



1917-йили Туркистонда мухим сиёсий ўзгаришлар юз берди. Минтака халклари мустамлакачиликнинг 50 йиллик зулмига карши миллий-озодлик курашини авж олдириб юбордилар. Маърифатпарварлик харакати сифатида вужудга келган жади́дчилик Туркистон такдири хал қилинаётган пайтда ўзбек халқини гоёвий жихатдан бирлаштирувчи куч сифатида майдонга чиқди. Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Кори, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев), Мустафо Чўкаев, Ахмад Заки Валидий Тўгон каби жади́д тараккийпарварлари Туркистонга мухторият макоми бериш учун курашдилар ва сиёсий жараёнларга фаол аралашдилар. Ўлка халқларининг дастлабки ижтимоий-сиёсий жамияти — «Шўрои Исломия» тузилиб, у мухториятчилик харакатининг тепасида турди.

Бу пайтда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги худудида Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлар партияси аъзолари демократик ислохотлар ўтказиш учун ўз фаолиятларини кучайтирдилар. Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Полвонниёз Хожи Юсупов уларнинг рахбарлари эди. Афсуски, 1917-йил ноябрда ташкил топган Туркистон Мухторияти ҳукумати — халқимиз тарихидаги дастлабки демократик ҳукумат орадан кўп ўтмай мустабид совет тузуми ва босқинчи кизил аскарлар томонидан қонга ботирилди. Ҳукумат фаолият кўрсатган Кўкон шаҳри вайрон қилинди, тинч аҳоли қиргинга дучор этилди. 1918-йил феврал ойида дастлаб Кўкон атрофларида бошланган истиклолчилик харакати тез орада бутун Туркистон минтақасига тарқалди. Фарғона водийсида Кичик ва Катта Эргаш, Мадаминбек, Шермухаммадбек, Ислом Пахлавон, Ёрмат Махсум, Бухорода Иброхимбек, Анвар Пошо, Мулла Абдулкаххор, Хоразмда Жунаидхон каби кўрбошилар харакатга кўмондонлик қилишди. Бирок Туркистоннинг мустикаллиги ва озодлиги учун курашган истиклолчилар совет даврида «босмачи» ва «халқ душмани» сифатида кўрсатилиб, жамоатчилик фикри шу йўналишда шакллантирилди. Ашни олганда, истиклолчилик харакатининг бошидан охиригача бир буюк гоё устунлик қилган эди. Бу гоё бутун Туркистоннинг миллий истиклоли ва мустикаллиги гоёси бўлиб, у харакатнинг асосий мақсади бўлиб қолаверди. Истиклолчилик харакати тарихи ўзбек халқининг совет даври тарихига унинг энг шонли вазафарли, шунингдек, қайгули ва дард-аламли саҳифалари бўлиб ёзилди.

Туркистон — минтака халklarининг ягона макони, умумий ватани

Марказий Осиё, жумладан, Туркистон, Бухоро ва Хоразм давлатларининг туб халклари неча асрлар давомида турмуш тарзи ва анъаналари жихатидан бир-бирига якин бўлиб келдилар. Бухоро ва Хоразм XX аср 20-йилларининг бошига қадар мустакил давлатлар бўлган. Бу минтака ягона замини, ўз хўжалиги, анъаналари, дини, маданиятининг муштараклиги билан ажралиб турган. Ўрта Осиё давлатларидан ҳар бирининг кўп миллатли эканлиги, ўзбеклар, туркманлар, тожиклар, қорақалпоқлар, қирғизлар, қозоқлар ва бошқа ерли халқларнинг учала давлат худудларида тарқалиб яшаши тарихан анъанавий бўлган. Мана шу давлат тузилмалари доирасида ҳар бир халқ ёки алоҳида уруғлар хўжалик ҳаёти тизимидаги ўз ўрнини егаллаб, ўзининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти билан давлат ва минтака ижтимоий ҳаётининг яхлит занжиридаги узилмас халқани ташиқил этган. Туркистон минтақасининг халқлари шу заминни қадимдан ўзларининг асл ватан деб билганлар. Ватан ягоналиги ҳисси халқ ижодиётида, анъаналарида, маданиятида ўз аксини топган ва шу минтақада яшаб турган барча халқларнинг бади қадриятига айланган.

Бу минтақанинг халқлари бирдир деган гоё авлоддан-авлодга ўтиб, миллий етакчилар, жамоат арбоблари ва миллий зиёлиларнинг қарашлари ҳамда амалий фаолиятларида акс этди. Худуд яхлитлигига, халқнинг бирлигига ҳавф-хатар тугилган кезларда ана шу гоё худди бир қалқондек бўлиб турди, халқларнинг бир-биридан ажралиб, узокшиб кетишининг олдини олувчи омил бўлиб қолди.

Тарихан тарқиб топган учта давлатни тугатиб туриб, уларнинг ўрнига янги давлатлар тузиш фикри ўлка ва марказнинг раҳбар ходимларидан чиқди. 1920-йилнинг бошларидаёқ ТССРни бўлиб ташлаш ва миллий тил белгисига қараб мухтор (автоном) республикалар тузиш масаласи қўйилган эди. Бу гоё Турккомиссия раиси Я.Рудзутак ташаббуси билан 1920-йил 15-январда қабул қилинган тезисларда айтилади. Бу тезислар ўша йилнинг июн ойида РКП(б) Марказий Комитетининг «Партиянинг Туркистондаги вазифалари ҳақида» деган қарори лойиҳасига киритилди. Бу таклифни В.И. Ленин қўллаб-қувватлади. Лойиҳага билдирган ўз мулоҳазаларида у Туркистоннинг «Ўзбекия, Қирғизия, Туркманя»га бўлинган қартасини тузиш зарур деб қўрсатди. В.И. Ленин бирмунча кейинроқ ўзи тайёрлаган бошқа бир лойиҳада ўз нуқтаи назарини ўзгартириб: «Республикани (яъни Туркистонни) Зқисмга бўлиш олдиндан хал қилиб қўйилмасин», деб уқтирди.

Миллий республикалар вавилоятлар тузишга қўрсатма берилиши ва унинг сиёсий жихатдан асосланиши

Туркистоннинг маъмурий-худудий қартасини қайтадан қўриб чиқиш болшевикларнинг қайтадан тузиш сиёсатидан ўлкада норозилик қучайиб борган, мустакиллик учун ҳаракат қўлами қенгайиб қелаётгани, миллий масала юзасидан Қавқазортида бошланган қураш

акс садоси ва бошка сабабларга кўра оркага сурилиб турди. 1920-йилга келиб Ўрта Осиёда ТССРдан ташкари Бухоро ва Хоразм Халк Совет республикалари тузилганлиги ҳам муҳим омил бўлди. Бу республикалар тузилганидан кейин маълум раҳбарлар гуруҳи уларни ҳам худудий қайта бичиш доирасига тортиш режаларини илгари сурдилар. Миллий республикалар тузиш зарурлиги гоёси ташаббусчилари уни (яъни, бу гоёни) ерли халқлар ҳаётида тенгсизлик мавжудлиги, миллий можаролар қучайиб бораётгани билан асосладилар. Бу можаролардан қутулиш йўли туркманлар, киргизлар ва бошкаларнинг миллий давлатини тузиш, деб эълон қилдилар, амалда эса бу чора-тадбир халқларни бир-биридан ажратиш кўйишдан бошка нарса эмас эди. Худудларни қайтадан белгилаш ва чегаралаш тарафдорлари тил тафовутлари, миллий тафовутларга диққатни қўпроқ қаратиш, хўжаликка оид, иқтисодий омилларни, мавжуд сув ресурслари, сугориш тизимларининг умумий эканлигини қамроқ ҳисобга олдилар. Умуман, сиёсий жихатлар биринчи даражали ҳисобланди. Раҳбар ходимлар орасидаги европаликлар билан туб халқлар вакиллари ўртасидаги ихтилофлар, шунингдек, айрим гуруҳбозлик кўринишлари механик тарзда Ўрта Осиё минтақаси халқлари ўртасидаги муносабатларга қўчди. Рудзутак, Сталин ва бошкалар Ўрта Осиёда миллий можаро мавжудлигини уқтирдилар. Миллий масала сунъий равишда бўрттириб юборилди ва давлатлар худудини тубдан қайта белгилаш учун ҳал қилувчи асосий далил сифатида илгарисурилди.

Турор Рискулов Турккомиссия ва Я.Рудзустак тезисларига қарама-қарши ўлароқ, ва бир гуруҳ миллий етакчилар 1920-йилдаёқ туркийзабон халқлар ягона бўлиб, уларнинг тарихий илдизлари, динлари, анъаналари ва маданияти муштаракдир, Туркистонни алоҳида қисмларга ажратиш бўлмади, деган гоёни илгари сурдилар. Бироқ бу фикрни болшевикча Марказ инкор этиш, уни пантуркизм, панисломизм, буржуа миллатчилиги деб баҳолади.

Минтақани миллий-худудий жихатдан қайта тузиш масаласи партия органлари томонидан ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро) умумминтақани қамраб оладиган чегараланиш зарурлиги тўғрисидаги масалани республикалар партия органлари, партия ходимлари муҳокамасига қўйишга зўр бериб интилдди. Бу ҳолат, ҳусусан, СССР тузилгач (1922-йил 30-декабр) қучайди. 1922-йили, ва айниқса, 1923-йили ерли миллатлар вакилларининг бир қанча раҳбар ходимлари Ўрта Осиёда амалга оширилаётган миллий сиёсатдан қониқмаётганликларини очик-ойдин маълум қила бошладилар. 1923-йил охирида Туркистон ходимларининг бир гуруҳи Марказга хат билан мурожаат қилиб, унда миллий низолар ўлкада тугатилмасдан, қўпроқ авж олдирилмоқда, деб қайд этдилар. Ушбу мактубда миллий етакчилар мавжуд бўлган маълум миллий-худудий низоларни тарихан тарқиб топган худудлар, алоқалар, давлат тузумини қескин бузмасдан, ҳар бир алоҳида республика доирасида ҳал қилиш зарур, деган фикрни илгари сурдилар. Баъзи жойларда бу гоё амалий жихатдан юзага қақарилди. 1923-йил октябрида Бухоро республикасида туркман ва тожик вилоятлари ташқил этилдди. Кейинчалик Хоразм республикасида мухтор туркман ва мухтор киргиз-қозок-қорақалпоқ вилоятларини ташқил этишга қарор қилинди. 1923-йил декабрида Фарғона водийси вакиллари РСФСР тарқибиде Фарғона мухтор вилояти ташқил этиш тўғрисида тақлиф билан қикдилар. Бироқ бу фикрни ўлкадаги раҳбар органлар, аввало партия органлари ҳато фикр деб рад этди. Чегаралаш гоёсини ишлаб қикиб, маромига етқазил йўли ва бошка бир қанча тақлифлар ҳам олға сурилди. Бироқ Марказ ва РКП(б) Марқазий Қомитети ЎртаОсиё

бюроси яхлит ва улкан минтакада, аввало учта Ўрта Осиё республикалари худудларида ялпи худудий чегаралаш чора-тадбирларини катъий илгари сурдилар.

1924-йилги миллий-худудий чегаралаш

Ўрта Осиёни чегаралаб бўлиш ва миллий республикалар тузиш гоёси 1924-йилда амалга оширила бошланди. Бирок бу масалага доир зиддиятлар айна даврда ҳам давом этаверди. Бу кампанияда иштирок этишдан бўйин товлашга очик-ойдининтилиш холлари такрорланаверди, янги лойихалар таклиф этилди. Лекин Марказ, Ўрта Осиё бюроси каттик туриб олди.

Аммо Ўрта Осиё республикаларидаги ҳукумат ва партия органларининг нуқтаи назарлари яқдил эмас эди. Туркий халқлар бир-бирига яқин, деган фикр ўртага қўйилар, бошка далиллар келтириларди. 1924-йил февралда Бухоро Компартияси чегараланиш масаласини кўриб чиқди. Унда Ўрта Осиёнинг маъмурий тузилиши юзасидан тақиф этилаётган, барча туркий халқларнинг илдизи бирлигини ҳисобга олмайдиган сиёсат ўтмиш истилочилари сиёсати билан бир деб айтилди. Ўрта Осиё бюроси тезислардаги бу фикрларни хато деб эълон қилиб, каттик танқид остига олди. Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Туркистон компартиясининг 10-мартдаги бирлашган кенгашида атоқли партия ходимлари С.Хўжанов, С.Асфандиёров, Н.Паскуцкий Ўрта Осиёдаги мавжуд совет республикалари ўрнида Ўрта Осиё федератсиясини тузиш тўғрисида таклиф киритдилар. Шу билан бирга С.Хўжанов Туркистон ягона, бир бутун ва унинг яхлитлигини бузиш мақсадга мувофиқ эмас, деб қўшимча қилди.

Хоразм раҳбарларида ҳам алоҳида фикрлар мавжуд эди. 1924-йил мартда улар республика доирасида: туркманлар, ўзбеклар, қирғизларнинг «суд ишлари... шариат бўйича олиб бориладиган, миллий тиллардаги... мактаблари бўлган» мухтор вилоятларини тузишни таклиф этдилар. 8-май куни бир гуруҳ Хоразм раҳбарлари РКП(б) Марказий Комитетига «Хоразмда миллий масалани ҳал қилиш тўғрисида мактуб» юбориб, унда Хоразмни чегараланишга қўшмасликни илтимос қилдилар. Улар ўзларининг шу нуқтаи назарларини республиканинг олисда жойлашганлиги, иқтисодий жихатдан ажралиб турганлиги билан асосладилар. Бу нуқтаи назарни Хоразм Компартияси Марказий Комитети, жумладан, Каландар Одинаев (1897—1938) ҳам қўллаб-қувватлади. Каландар Одинаев 1922-йил октабрига қадар Амударё вилоятида, сўнгра Хоразмда РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси вакили бўлиб ишлади. 1924-йил июлда К. Одинаев Хоразм Компартияси масъул қотиб вазифасидан олиб ташланди.

Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши. Чегараланиш яқунлари

Туркистонда, Бухоро ва Хоразм республикаларида амалий иш бошлаб юборилди.

Комиссиялар ва кичик комиссиялар бўлгуси тузилмаларнинг худудлари ва чегаралари тўғрисидаги масалани ишлаб чиқдилар. Бошқарув аппаратлари тузиб, режалар, иктисодиёт, бюджет, ер-сув муаммоларини, маориф, соғликни сақлашни ташкил қилиш муаммоларини ва бошқаларни хал қилдилар. Сиёсий тушунтириш ишлари олиб борилди. Материаллар матбуотда эълон қилинар, митинг ва йигилишлар ўтказилар эди.

Миллий-худудий чегараланиш ўтказилишини маъқуллаб резолюциялар қабул қилинди. 1924-йил 31-октябрда Ўзбекистон ССР Инкилобий Комитети (ревком) тузилди, у Ўзбекистон республикаси тузишни бошқариб борди. Мунозаралар тобора кизиби борди. Сталин «Миллатлар ўртасидаги низоларга хотима бериш» учун чегараланишни амалга оширишга қилишни таклиф этди. 1924-йил 12-июнда РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси Ўрта Осиёда чегараланиш тўғрисидаги масалани яна бир қўриб чиқди ва уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Хоразм республикаси чегараланишга қиритилмади, лекин 1924-йил 26-июлда Хоразм Компартияси республиканинг чегараланишга қиритилишига ўзининг розилигини билдирди.

Бухорода махсус қурилган Халқ уйида 1925-йил 13-февралда Советларнинг I умумўзбек қурултойи очилди. Унда «Ўзбекистон Совет Сотсиалистик Республикаси тузилгани тўғрисидаги декларация» қабул қилинди. Ўзбекистон ҳукуматининг бошлиғи қилиб Файзулла Хўжаев сайланди. Съезд республика хокимиятининг олий органларини расмийлаштирди. Республика советлари Марказий Ижроия Комитети раиси этиб Фаргона водийсидан чиққан дехқон, «Кўшчи» иттифоқининг раиси Йўлдош Охунбобоев (1885—1943) сайланди. Жамоат ташкилотлари ҳам тузилди. Ўзбекистон ССРнинг дастлабки пойтахти Бухоро бўлган. Бирок кўп ўтмай — 1925-йил апрелида пойтахт Самарқандга қўчирилди. Ўзбекистон ССР кейинчалик- 1925-йил майда СССР таркибига қирди. 1929-йилгача Тожикистон АССР Ўзбекистон ССР таркибида бўлган.

Тузилган Ўзбекистон ССРга ТССРдан Сирдарё, Фаргона ва Самарқанд вилоятларининг катта қисми, собиқ Бухоро Халқ Совет Республикасидан унинг марказий ва гарбий қисмлари, яъни Зарафшон, Сурхондарё ва Кашқадарё водийлари, шунингдек, Хоразм воҳаси қирди. Ўзбекистон ССР худуди 312394 кв.км ни ишғол қилди. Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССР тузилди, бу мухтор республика кейинчалик Тожикистон ССРга айлантирилди. Ўзбекистон ССРнинг ўз аҳолиси, 1926-йилдаги рўйхатга олиш маълумотларига қараганда, 4447555 кишини ташкил этди, уларнинг 74,2 фоизи ўзбеклар эди. Республикага 1195 минг десятина сугориладиган ер, ишлаб турган 185 та саноат қорхоналари қирди. Бу қорхоналар орасида 39 та пахта тозалаш заводи бор эди. Ўзбекистон ССР саноатида 87 минг ишчи ишларди.

Миллий-худудий чегаралаш Ўзбекистон халқлари учун ҳар томонлама бошқача аҳамиятга эга бўлди. У халқнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, маданиятига, анъаналарига катта таъсир қўрсатди. Минтақа картаси қайтадан тузилди. Ўзбекистон ССРнинг тузилиши эса Ўзбекистон халқи давлат тузилиши тарихида диққатга сазовор воқеаларнинг бири бўлиб қолди. Лекин бу ўзбек давлатчилиги тарихига асос солинди, деган маънони англатмайди, албатта. Халқимизнинг давлатчилиги кўп асрлик тарихга эга. Ўзбекистон ССР эса амалда ҳеч қандай мустақил сиёсий ҳуқуқларга эга эмас эди, чунки у мустақил совет тузумининг янги шаклидаги бир қисми эди, ҳолос.

ХУЛОСА

Хулоса килиб айтганда, хакикатдан хам Ўрта Осиё давлатларидан хар бирининг кўп миллатли эканлиги, ўзбеклар, туркманлар, тожиклар, коракалпоклар, киргизлар, козоклар ва бошка ерли халкларнинг учала давлат худудларида таркалиб яшаши тарихан анъанавий бўлган. Мана шу давлат тузилмалари доирасида хар бир халк ёки алохида уруглар хўжалик хаёти тизимидаги ўз ўрнини эгаллаб, ўзининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти билан давлат ва минтака ижтимоий хаётининг яхлит занжиридаги узилмас халкани ташкил этган. Туркистон минтакасининг халклари шу заминни кадимдан ўзларининг асл ватани деб билганлар.

Шундай килиб, Ўрта Осиёни чегаралаб бўлиш ва миллий республикалар тузиш гоёси 1924-йилда амалга оширила бошланди

Фойдаланган адабиётлар:

И. А. Каримов. “Тарихий хотирасиз келажак йўк”. Т., 1998 й.

Каримов И.А. юксак манавият-енгилмас куч.Т.2008.

Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси.Т.1997.

4. Саидкулов Т. “Ўрта Осиё халклари тарихшунослигидан лавхалар”. Т., 1993й.

5. Азамат Зиё. “Ўзбек давлатчилиги тарихи”. Т., 2000 й.

6. Мухиддинов Н. Кремилда ўтга йилларим.Т.1994.

7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. II-китоб.Т.2000

Адамова Дилноза